

Мумин Мирзо АБДУПАТТАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ҳузуридаги

Малака ошириш маркази ўқитувчиси
mirzo21@umail.uz

Хусниддин ХОЛМАТОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси xusniddin.xolmatov@mail.ru

“АЛ-МИЛАЛ ВА-Н-НИХАЛ” АСАРИДА ДИНЛАР ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН УСЛУБЛАР

МЕТОДЫ, ИСПОЛЗУЕМЫЕ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИИ РЕЛИГИЙ В РАБОТЕ «АЛ-МИЛАЛ ВА-Н-НИХАЛ»

METHODS USED IN STUDYING THE HISTORY OF RELIGIONS IN “AL-MILAL WA’N-NIHAL”

Аннотация: Ушбу уч қисмдан иборат мақолада динлар тарихини ўрганишда ўз мактабини яратиб кетган Абулфатҳ Шаҳристониининг ҳаёти, “Ал-Милал ва-н-нихал” номли асарида келтирилган дунё динларини ўрганишда қўллаган усуллари тўғрисида муҳокама қилинади. Мақоланинг биринчи қисмида ишнинг аҳамияти, иккинчи қисмида эса Шаҳристониининг томонидан динларни ўрганишда қўлланилган методлар, учинчи қисмда эса типологик ва географик усуллар тўғрисида маълумотлар берилади.

Калит сўзлар: Абулфатҳ Шаҳристониининг, “Ал-Милал ва-н-нихал”, динлар тарихи, методлар, герменевтика, объективлик, тарихийлик, тасниф.

Аннотация: В этой статье, состоящей из трех частей, рассказывается о жизни Абулфатха Шахристани, создавшего свою школу по изучению истории религий, о методах, которые он использовал при изучении мировых религий, представленных в его работе «Аль-Милал ва-н-нихал». В первой части статьи раскрывается значение работы, во второй части описываются методы, используемые Шахристани при изучении религий, в третьей части дается информация о типологических и географических методах.

Ключевые слова: Абулфатҳ Шахристани, «Аль-Милал ва-н-нихал», история религий, методы,

герменевтика, объективность, историчность, классификация.

Annotation: This three-part article discusses the life of Abulfath Shahrastani, who founded his school in the study of the history of religions, and the methods he used in the study of world religions in his book *Al-Milal wa-n-nihal*. The first part of the article gives information about the importance of the work, the second part about the methods used by Shahrastani in the study of religions, and the third part about the typological and geographical methods.

Keywords: Abulfath Shahrastani, «*Al-Milal wa-n-nihal*», history of religions, methods, hermeneutics, objectivity, historically, classification.

КИРИШ

Мусулмон оламида динлар тарихини ўрганиш бўйича ёзилган энг қимматли асарлардан бири шубҳасиз Тождуддин Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристониининг “Китаб ал-Милал ва-н-нихал” (“Динлар ва мазҳаблар ҳақида китоб”) асари ҳисобланади. Шаҳристониининг 1075 йилда Хуросоннинг Шаҳристон шаҳрида таваллуд топган. “Ал-Милал ва-н-нихал” асари динлар тарихига оид ёзилган энг машҳур ва эътиборли китоблардан биридир. Муаллиф ўз асарининг 1-қисмида ислом тарихини, 2-қисмида эса, Ўрта ер денгизи атрофи ва Шарқ халқлари эътиқодлари ва диний-фалсафий таълимотларини баён этган. Ушбу асар ўзидан олдинги ва кейинги динлар тарихи тўғрисида ёзилган асарлар орасида энг обрўли асар ҳисобланади.

“Ал-Милал ва-н-нихал” асари бўйича тўғридан-тўғри тадқиқотлар олиб борилмагани ҳамда маълумотларнинг тартибсизлиги нуқтаи назаридан ушбу мақолада мавзу уч қисмга бўлиб ўрганилди. Унга кўра, биринчи қисмда асарнинг бошқа, динлар тарихи тўғрисида ёзилган асарлар орасида тутган ўрни муҳокама қилинади. Иккинчи қисмда эса бевосита Шаҳристониининг томонидан динларни ўрганишда қўлланилган методлар борасида сўз кетади. Бунда, Шаҳристониининг қўллаган холислик, тавсифлаш, терминологик, герменевтик, тарихийлик, муҳолифлик каби методлар тўғрисида сўз боради. Учунчи қисмда Шаҳристониининг дин ва эътиқодларни таснифлашдаги усуллари тўғрисида баҳс юритилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

I. “Ал-Милал ва-н-ниҳал” асарининг динлар тарихи тўғрисида ёзилган бошқа асарлар орасида тутган ўрни

Ислон дунё бўйлаб тарқалган кезларда, мусулмон бўлмаган, ўзга эътиқод вакиллари дастлаб ислонни қабул қилган бўлсалар-да, айрим масалаларда ўз эътиқодларидан тўлиқ воч кеча олишмади. Натижада мусулмон олимлар ислонни эндигона қабул қилган қавмларнинг аввалги эътиқодларини ўрганишга киришишди. Аслида, Қуръонда ислонгача бўлган эътиқодлар (яхудийлик, насронийлик, собийлик ва сеҳргарлик) тўғрисида баён қилинган. Аммо уларнинг эътиқодий ва ибодат масалалари изоҳ ва таъриф талаб қилар эди. Шундай қилиб, мусулмон олимлардан айримлари мусулмон бўлмаган халқларнинг эътиқодлари, турмуш тарзи, маданияти тўғрисида турли асарлар ёзишган.

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, ислондан ўзга динларни ўрганиш учун ёзилган асарларда икки хил ёндашувни кузатиш мумкин. Булардан биринчиси “калом” илми таъсирида, ислонни ҳимоя қилиш мақсадида ёзилган “мақолот”, “диёнот” ва “фироқ” туридаги асарлар ҳисобланади. “Мақолот” турида ёзилган асарларда, баъзи фирқалар ва ислондан бошқа эътиқодларнинг қарашлари ислон ақидаси билан қиёсланади ва қаттиқ танқид қилинади [1:29-3]. Дастлабки “мақолот” туридаги асарлар асосан шиалик эътиқодидаги инсонлар томонидан ёзилган ва улар “асҳоб ал-мақолот” деб номланган [2:1]. Бироқ вақт ўтиши билан “аҳли сунна” уламолари ҳам “мақолот” жанрида асарлар ёзишган. Шундай олимлардан энг машхури Абул Ҳасан Исмоил Ашъарийдир. У зотнинг “Мақолот ал-исломийийин ва ихтилоф ал-мусоллийн” номли асари ушбу жанрда ёзилган энг машхур асар ҳисобланади [3:406-407].

Ислондан ўзга динларни ўрганиш учун ёзилган асарлардаги иккинчи ёндашув “ал-Милал ва-н-ниҳал” каби асарлар бўлиб, ўзга эътиқодлар танқидсиз тушунтирилади. Бундай ёндашувдаги асарларда нафақат ислоний мазҳаблар ва оқимлар, балки бошқа динлар ва мазҳаблар ҳам танқидсиз ўрганилади. Бундай асарлар мавжуд манбаларга ва тажрибаларга асосланган ҳолда динларни тавсифловчи

энциклопедик асарлар ҳисобланади. Бу ёндашувда ёзилган асарларнинг энг йириги шубҳасиз “ал-Милал ва-н-ниҳал” асаридир. Дунё динларини тизимли равишда таништириш мақсадида ёзилган ушбу асарнинг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, ўзидан олдинги асарлардан фарқли равишда унда буддавийлик ва ҳиндуийлик таълимотлари тўғрисида ҳам батафсил маълумот берилган [4:199-200].

II. Асарда қўлланилган методлар

Шаҳристоний дин ва мазҳабларни таснифлашда, уларни таҳлил қилишда ягона методдан фойдаланмаган. Шаҳристоний асарда “объективлик” ва “таснифлаш” усулларида бошқа тадқиқотчиларга нисбатан кўпроқ фойдаланган. Лекин баъзи масалаларга “мусулмон илоҳиётчиси” сифатида ёндашган [5:405-411]. Мана шу сабабдан баъзи тадқиқотчилар Шаҳристонийнинг ушбу асарини “Ислонлаштирилган динлар тарихи” деб ҳисоблашади.

Улрих Рудолф, Шаҳристоний бу асарини ёзишда фойдаланган манбалар номаълум эканини таъкидлайди [6:108-109]. Шаҳристоний асарда қайси манбалардан фойдаланганига аниқлик киритмаган бўлсада, баъзи жойларда ўзи фойдаланган манбаларга ишора қилади. Масалан, самовий динлар тўғрисида маълумот берар экан, Абдулқаҳҳор Бағдодий, Абул Қосим Ансорийдан, жоҳилия араблари эътиқодлари тўғрисида Ибн Надим ва Ибн Ҳишомдан, ҳинд динлари борасида Ҳасан ибн Мусо Навбаҳтий, Яъқубий, Масъудий, Қози Абдулжаббор ва Абу Исо Варроқдан, мажусийлик эътиқодини ёритишда эса Жайҳоний каби олимлар маълумотларидан фойдаланган [7:59-60].

Шаҳристонийнинг қайси эътиқодга мансуб экани тўғрисида ҳам турли фикрлар мавжуд. Француз диншунос олими Даниэль Гимарет “ал-Милал ва-н-ниҳал” асарини французчага ўгирган таржимаси муқаддимасида Шаҳристонийни “ашъарий илоҳиётчи” сифатида баҳолайди [1:63]. Айни шу асарни Даниэль Гимарет билан таржимасини амалга оширган Гай Моннот эса уни “исмоилий-ботиний” деб ҳисоблайди [1:11].

Фарб олимларининг бундай икки хил фикрга келганликларининг сабаби мазҳабларни ўрганишда “сунний” усуллардан фойдалангани

ва вақти-вақти билан айрим масалаларга “исмоилий-ботиний” таълимотларни мисол келтиргани бўлиши мумкин.

Шахристониини “исмоилий-ботиний” дейдиганлар асарда қўлланилган қуйидаги масалаларни, жумладан, “Улул-азм пайғамбарларнинг махсус вазифалари” [7:45], “илк яратилган нарса “ақл” экани тўғрисидаги ҳадис” [7:63], “имомат масаласи” ва “пайғамбарлик руҳи”, “фаришталар ва пайғамбарларнинг воситачи эканликлари” [8:11] ҳамда “Ҳасан Саббоҳнинг “Фусул ал-арбаъа” асарининг форсчадан арабчага қилинган таржимаси тўғрисида нақл қилиниши”ни [7:176-178] асосий сабаблардан ҳисоблашади.

Мусулмон олимлар эътирофига кўра Шахристониий фикрда шофеъий, ақидада ашъарий бўлган.

Шахристониининг шахсиятига берилган ушбу баҳолар “ал-Милал ва-н-нихал”да қўлланилган методларни тушунишда ёрдам беради.

Асарда қуйидаги илмий услублардан фойдаланилган.

а) Илмий объективлик ва тавсифлаш методи

Шахристониининг ушбу асарининг деярли барча олимлар томонидан қадрладиган жиҳати шундаки, муаллиф асарда исломдан бошқа динлар ва оқимларни ўрганишда илмий ҳолисликка алоҳида эътибор берган. Бу жиҳат аввалги даврларда ёзилган асарларда камдан-кам учрайди. Хусусан, бу борада Шахристониий Имом Ашъарийнинг турли эътиқодларни ўрганиш борасида билдирган қуйидаги фикрини ўзига дастурул амал билган: “Мен динлар ва мазҳаблар тўғрисида асар ёзадиган ёки гапирадиган, ёзганида ёки гапирганида хато излайдиган, рақибининг хато қилишини кутадиган ҳамда рақибини шу хатоси учун атайин ёмонлайдиган, муҳолифининг қарама-қарши фикрини баён қилаётганда адашадиган ва ўзини ҳақ деб кўрсатишга уринадиган инсонларни кўрдим. Бу олимлар ва ақлли инсонларнинг йўли эмас”[9:3].

Шахристониий юнон, ҳинд ва бошқа динларни ўрганар экан, уларнинг эътиқодларини тўғри ёки нотўғри дейишдан сақланади. Бу усул Шахристониининг фикрича “ҳақиқатни яшириш” эмас. “Чунки, оқилона

қўлланилган усуллар туфайли, ҳақиқат нури ва ёлғон шамоллари ўткир онгларга беркитолмайди”[7:23] – деб таъкидлайди, Шахристониий асарда.

“Объективлик” методидан фойдаланишда Шахристониий бошқа олимлардан ажралиб туради. Ўзидан аввалги олимлардан фарқли равишда, у ўзи ўрганган эътиқодларнинг асл матнларини ўқиганини ва таҳлил қилганини айтади. Масалан, юнон файласуфларининг эътиқодлар борасидаги фикрлари тўғрисида шундай дейди: “Биздан аввалги мусулмонлар исломдан бошқа эътиқодларни ўрганишда юнон файласуфларининг асарларидан кўп фойдаланишди. Фикрлари қарши келиб қолганда уларни қаттиқ рад этишди. Биз эса, у асарларни ўқиб чиқдик, уларнинг фикрларини синчиклаб текширдик ва таҳлил қилдик”[8:65].

Шахристониий ўзи ўрганаётган динларни танқид қилмагани, ҳолис ўрганиши учун танқидга учраган. Аммо, Шахристониий диний эътиқодларни масалан, яҳудийлик ва насронийликни баъзи жойларда танқид қилиб, ўз қарашларини келтириб ўтади. Мўътазилийларнинг таълимотига файласуфлар таъсир кўрсатганини, исломдан ташқари эътиқодлар “бидъат” экани тўғрисидаги фикрларини ҳам келтириб ўтиш мумкин[10:182-183].

б) Герменевтик усул

Герменевтик усулни замонавий тадқиқотчилардан илк қўллаган олим Мирче Илиаде ҳисобланади. Мирче Илиаде диний манбаларга асосланиб, динларни пайдо бўлиши ва шаклланишини тушунтиришнинг “герменевтик усули”ни қўллайди [11:106-111].

Шахристониий динларнинг таълимотлари тўғрисида “герменевтик усул”дан биринчилардан бўлиб фойдаланган. Асарнинг “Учинчи муқаддима” бобида “Инсонлар орасида пайдо бўлган илк шубҳа, унинг изоҳи ва келиб чиқиши” масаласида “герменевтик усул”дан фойдаланади. Шахристониий динларнинг кўплигини, улар ўртасидаги фарқлар “шубҳа” асосида пайдо бўлганини таъкидлайди. “Одамлар орасида пайдо бўлган “илк шубҳа” бу – Иблиснинг шубҳаси эди. Иблис шахсий фикрини Нассдан илгари қўйди, буйруқдан кўра хоҳиш ва инжиқликни афзал кўрди, ўзини яратилиш моҳиятидан келиб чиқиб, Одамдан устун эканига ишонди” [7:23].

Герменевтик усулга мувофиқ, Шаҳристоний “шубҳа” масаласини Инжил ва Таврот матнлари билан қиёслаб шундай дейди: “Иблиснинг бу шубҳасидан яна еттига шубҳа пайдо бўлди. Бу шубҳалар Иблис томонидан инсонлар онгига шу қадар чуқур жойлаштирилдики, кейинчалик қадрият ва эътиқод даражасига чиқди. Бу шубҳалар тўртта: Луко, Маркус, Матто ва Юҳанно Инжилларида, Тавротдаги сажда амрида ва Иблиснинг фаришталар билан мунозарасида батафсил зикр қилинган”[7:23].

“Муқаддас китобнинг шориҳи сажда амрини шундай шарҳлайди: “Шунда Худо фаришталарга буюрди. “Иблисга айтилки, Мен барча нарсани яратган Худо эканим борасида унинг тасдиғи ва таслимияти самимий эмас. Агар самимий бўлганида “Нега?” демаган бўларди. Мен Худоман, мендан бошқа илоҳ йўқ. Мен нима қилганим тўғрисида ҳеч қандай саволга ўрин йўқ. Мен яратган махлуқотлар саволга тутиладилар”. Бу масала Тавротда бўлгани каби Инжилда ҳам ўз ифодасини топган” – дейди Шаҳристоний[7:25].

Қуръонда келган Одам ва шайтон қиссаларини келтирмайди. Чунки у даврда инсонлар Қуръон қиссаларидан яхшигина хабардор эдилар.

Шундай қилиб Шаҳристоний динлар тарихини ўрганишда ўша давр учун янги бўлган “герменевтик” усулда динлар ва диний эътиқодларни бузилишига сабабчи бўлган манбаларни қиёслаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Диний манбалардаги бузилишлар “лаънатланган Иблиснинг шубҳалари” [7:27] билан боғлиқ экани тўғрисида хулоса беради.

с) *Мухолифлик методи.*

Шаҳристоний “ал-Милал ва-н-ниҳал”да қўллаган усуллардан яна бири мухолифликдир. Бу усулни қўллаган Шаҳристоний бошқа эътиқодларни танқид қилмайди. Бу усул асосан “аҳли китоб”лар ва “жоҳилият” эътиқодларини ёритилаётганда қўлланилган. Жоҳилият арабларини саводсизлар деб атайти. “Расулulloҳнинг пайғамбарликларидан аввал аҳли китоблар ва уммийлар бир-бирига мухолиф эди. Уммий бу саводсиз одам. Аҳли китоблар Мадинада, уммийлар эса Маккада яшардилар. Аҳли китоблар Асботлар (Яъқуб а.с.нинг 12 ўғли) динларига эргашдилар. Уммийлар эса ота-боболарининг динларига эргашарди.

Биринчи тоифанинг қибласи Қуддусдаги Байтул Макдис, иккинчисиники эса Маккадаги – Байтуллоҳ эди. Биринчиси зоҳирий ҳукмларга амал қилган бўлса, иккинчиси ота-боболарининг кўрсатмаларига риоя қиларди. Аҳли китобларнинг мухолифлари Ҳомон ва Фиръавн каби куфр аҳллари эди. Иккинчи тоифанинг мухолифлари эса Аллоҳни ягона деб билган мусулмонлар бўлди”[7:189-191].

Шаҳристоний “мухолифлик” деб номлаган бу усулни Ибн Сино фалсафасидан ўзлаштирган[1:108].

III. *Шаҳристонийнинг дин ва эътиқодларни таснифлашдаги турли усуллари*

Шаҳристоний “ал-Милал ва-н-ниҳал” асарида динлар ва эътиқодларни таснифлашда турли усулларни қўллаган. Шаҳристоний динларни тўрт асосга кўра таснифлайди. Булар:

- “1. Ваҳий орқали китоб берилган динлар: ислом, яҳудийлик ва насронийлик;
2. Ваҳий орқали китоб берилганига шубҳа бўлган динлар: монийлик;
3. Ваҳий орқали китоб берилмаган, ўзининг “аҳкомлари” бўлган динлар: собийлик;
4. Китоби ҳам, ахлоқи ҳам бўлмаганлар: файласуфлар, бутпарастлар ва брахманлар”[12:240].

Бундан ташқари, асарнинг иккинчи жилди муқаддимасида эътиқодларни ҳам қуйидагича таснифлайди:

“Инсонларнинг эътиқодларини шундай таснифлаш ҳам мумкин.

1. Баъзи инсонлар туйғу ва ақл билан маълум бўлган нарсаларни инкор этадилар. Булар, софийлардир”.
2. Баъзилар ақл билан маълум бўлган нарсани эмас, балки, сезги билан маълум нарсаларни қабул қиладилар. Булар, табиатчилардир.
3. Баъзилар сезги ва онг орқали маълум бўлган нарсаларни қабул қиладилар. Лекин илоҳий чегаралар ва фармонларни инкор этадилар, тан олмайдилар. Булар, даҳрийлар ва файласуфлардир.
4. Баъзи инсонлар сезги ва онг орқали маълум бўлган нарсалар билан бирга илоҳий қоидалар ва фармонларни қабул қиладилар, лекин улар шариат ва исломни тан олмайдилар. Булар, собийлардир.

5. Баъзилар юкоридагилардан ташқари шариатни, илоҳий фармонларни тан оладилар, фақатгина Муҳаммад (с.а.в.) шариатини тан олмайдилар. Булар, яхудий ва насронийлардир.

6. Бошқалар эса, юкорида айтилганларнинг барчасини қабул қилишади, булар, мусулмонлардир.

Булар, шариат ва динларни қабул қиладиган ёки қилмайдиган инсонларнинг тоифалари хисобланади” [8:4-5].

Шунингдек, Шахристониё асарда динларни 2-қисмга бўлиб таснифлайди. 1-қисмда юкорида зикр қилинган китоб берилган ёки берилмаган динлар тўғрисида баҳс юритади [7:46-235].

2-қисмда эса муаллиф “ақл ва тафаккурга зид, хурофотга тўла”, деб атаган эътиқодлар тўғрисида маълумот беради.

Асарнинг 2-қисмидаги таълимотлар 4 тоифага бўлиб ўрганилган. Биринчи тоифага собийлар ва унга боғлиқ фирқалар, иккинчи тоифага юнон файласуфлари, учинчи тоифага жоҳилия араблари, тўртинчи тоифага ҳинд динлари ва эътиқодлари киритилиб, брахманлар, бутпарастлар муҳокама қилинади [13:25-26].

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Абулфатҳ Шахристониё динлар ва эътиқодларни ўрганишда ҳолис ёндашишга ҳаракат қилган. Шахристониё динлар ва эътиқодларни ўрганар экан, баъзи масалаларда танқид ҳам қилгани, эътиқод масалаларини чегаралаб ўргангани ҳам маълум бўлади. Бу ёндашув, дин ва эътиқодларнинг фундаментал асосларини ўрганишда, ҳам уларнинг тарихий асосларини ёритишда аниқликни таъминлайди. Шу сабабдан, Шахристониё динлар таснифида аввало мантиққа таянади ва уларнинг исломга зид ақидаларини маълум услуб доирасидагина кўриб чиқади. Бир сўз билан айтганда Шахристониёнинг “ал-Милал ва-н-нихал” асари динлар тарихини ҳолис ўрганишда, муқаддас китоблари билан танишишда асосий манба сифатида хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Monnot, Guy. Islam et religions (Ислом ва динлар). – Paris: Maisonneuve et Larose, 1986. – 307 p.
2. Et-Tancı, Muhammed ibn Tavit. Şehristânî'nin Kitâb'ul-Milel ve'n-Nihal'i – Ankara: Ankara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi, 1956. – 353 s.
3. Onat, Hasan. Makalatul-İslamiyyin. Ebü'l-Hasan el-Eşari'nin itikadi İslam mezheplerine dair eseri. // “İslâm Ansiklopedisi” – C. 27. – Anqara: İslâm Araştırmaları Merkezi, 2003. – Б. 406-407.
4. Lawrence, Bruce B. Al-Shahristani. – New York, Macmillan Reference USA, 1987. – 297 p.
5. Wasserstrom, Steven M. Islam. History of Religions (Ислом. Динлар тарихи). – Chicago: The University of Chicago, 1988. – 351 p.
6. Rudolph, Ulrich. Shahrastani, Livre des religions et des sectes (Шахристониё, динлар ва оқимлар китоби) // Bulletin Critique des Annales Islamologiques II жилд. – Caire: Publication en libre accès, 1994. – P. 309-310.
7. Шахристониё, Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад. Китоб ал-милал ва-н-нихал. – Ж. I. – Байрут: Дор ал-маъриф, 1972. – 302 б.
8. Шахристониё, Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад. Китаб ал-милал ва-н-нихал. – Ж. II. – Байрут: Дор ал-маъриф, 1972. 363 б.
9. Ашъарий, Абул Ҳасан. Мақолот ал-исломийин. – Ж. I. – Байрут: Мактабат ал-асрийя, 1990. – 340 б.
10. Kuzgun, Şaban. Şehristânî'nin Hayatı, Şahiyeti, Eserleri ve ‘el-Milel ve'n-Nihal’ İsimli Eserinin Dinler Tarihi ile İlgili Önemli Bölümlerinin Tercümesi // Erciyes Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. – Kayseri: EÜ İlahiyat Fakültesi Dergisi, 1985. – S. 179-208.
11. Eliade, Mircea. La Nostalgie des origines, méthodologie et histoire des religions (Динларнинг пайдо бўлиш тарихи, методологияси). – Paris: Gallimard, 1971. – 140 p.
12. Sordel, Dominik. La Classification des Sectes Islamiques dans le Kitâb al-Milal d'Al-Shahrastânî (Шахристониёнинг Китоб ал-Милалида исломий мазҳабларнинг таснифи). – Paris: Studia Islamica, 1970. – 247 б.
13. Campanini, Massimo. La storiografia filosofica di ash-Shahristani (Шахристониёнинг фалсафий тарихшунослиги). – Rome: Islam Storia e Civiltà, 1985. – 211 p.